



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

3«avgust»2023 jil.

631-A/F-san

Nókis qalası

**2023/2024 ўқув йили учун Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига
тайёрлаш марказига ўқувчилар қабулини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Давлат спорт таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-268-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 декабрдаги “Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 731-сон қарорига мувофиқ Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида 2023/2024 ўқув йилида ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини самарали ва юқори савияда ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

а) Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига (бундан буён матнда марказ деб юритилади) 2023/2024-ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш бўйича комиссия раислари ва масъул котибларининг таркиби 1-иловага;

б) 2023/2024 ўқув йили учун марказларнинг қабул режаси 3-иловага;

в) Марказга кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва касбий (ижодий) имтихонларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳ таркиби (бундан буён матнда Республика ишчи гуруҳи деб юритилади) 2-иловага;

г) Марказлар, ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари ва махорат мактабларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича касбий (ижодий) имтихонлар меъёрлари 18-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги.

2. Қабул комиссияси раиси (А.Низанов)га:

а) марказларга кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш, ижодий имтихонларни шаффоф ва адолатли тарзда ўтказишни ташкил этиш;

б) марказларга кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтихонларни ўтказиш ишларига тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб қилиш;

в) ҳужжатларни қабул қилиш ва ижодий имтихонлар тугагандан сўнг **уч кун муддатда** Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ахборот киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Марказга кириш учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтихонларни назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳ таркиби аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ сарф-харажатлари асосий иш жойидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

4. Белгилансинки:

а) марказларга кириш учун ҳужжатлар жорий йилнинг **1-21 август** кунлари (шу кун ҳам) мобайнида <https://my.sport.uz> платформаси орқали онлайн тарзда амалга оширилади ҳамда пара спорт турлари бўйича истисно тариқасида офлайн тарзда ҳам қабул қилинади;

б) Касбий (ижодий) имтихонлар жорий йилнинг **24-26 август** кунлари ўтказилади;

г) Касбий (ижодий) имтихонлар натижалари жорий йилнинг **28 август** куни эълон қилинади.

5. Қабул комиссияси раислари ва масъул котибларга:

а) **уч кун муддатда** таълим муассасалари ҳудудида таълим муассасаларида ўқиш истаги бўлган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини қабул билан боғлиқ қизиқтирган саволларга жавоб бериш учун ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9:00дан - 17:00 гача (жорий йилнинг 21 августигача бўлган муддатда) ишлайдиган мурожаатлар маркази (“call markaz”) фаолиятини ташкил этиш;

б) 2023/2024-ўқув йилида таълим муассасаларига танланган спорт турлари бўйича ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчиларнинг ҳужжатларини жорий йилнинг 1-21 август кунлари (шу кун ҳам) қабул қилиш, шунингдек, 15 августга қадар ўқишга кириш учун касбий (ижодий) имтихонларни ўтказиш бўйича қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш;

в) таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнини оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ёритиш, шунингдек ўқувчилар қабулини ошқора ва демократик тамойиллар асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида имтихонларни фото ва видеотасвирга тушириш;

г) касбий (ижодий) имтихонлар натижаларини **жорий йилнинг 28 август куни** эълон қилиш ва имтихондан ўтмаган ўқувчиларнинг ҳужжатларини ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчиларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариб бериш ишларини ташкил этиш;

д) таълим муассасасига ўқишга кириш учун ўқувчилардан тушган аризалар бўйича маълумотларни ва ҳужжатларни қабул қилиш якунлангунга қадар ҳар куни ҳамда қабул якунлари бўйича ҳисоботни **жорий йилнинг 30 август кунига** қадар Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Спорт таълим муассасалари билан ишлаш шўъбаси бошлиғи (А.Қалбаев)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

6. Марказ директори в.в.б (С.Сатбаев)га:

а) марказнинг 2023/2024 ўқув йили учун тасдиқланган қабул режасига қатъий амал қилган ҳолда ўқувчиларни қабул қилиш;

б) имтихон жараёнларидан норози бўлган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш мақсадида холис ва тажрибали мутахассислардан иборат апелляция комиссиясини ташкил қилиш;

в) марказларга спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари ёки спорт клубларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, спорт билан шуғулланишга иқтидори бўлган ҳамда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган танловда ғолиб ва совриндор бўлган таълим муассасасида ўқиш истагини билдирган ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш;

г) марказларга қабул жараёнлари ҳамда спорт турлари бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Вазирликнинг Спорт таълим муассасалари билан ишлаш шўъбаси бошлиғи (А.Қалбаев)га:

а) жорий йилнинг 15 августига қадар марказларда ўтказиладиган касбий (ижодий) имтихонларни назорат қилиш бўйича вазирликдан бириктирилган масъуллар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш;

б) марказларга ўқувчиларни қабул қилиш жараёнларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда шаффофлик, холислик ва адолат принциплари асосида ўтказилишини назорат қилиш;

д) қабул жараёнлари юзасидан мунтазам вазирлик раҳбариятига ахборот киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) марказнинг 2023/2024 ўқув йили учун режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазирликнинг рухсати билан амалга оширилади;

б) марказга ўқувчиларни қабул қилиш бўйича кириш имтихонларини назорат қилиш учун вазирлик ҳамда спорт турлари бўйича тегишли федерациялар (ассоциациялар) мутахассислари жалб қилинади;

9. Ахборот хизмати (А.Прияров)га:

-марказнинг қабул жараёнлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

10. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси (С.Рауажов):

-мазкур буйруқ билан вазирлик тизимидаги спорт таълим муассасаларини таништириш;

11. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров

Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар

сиёсати ва спорт вазирлигининг

2023 йил “___” _____ кунги

___-сон буйруғига 1-илова

Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига 2023/2024 ўқув йили учун ўқувчиларни қабул қилиш бўйича комиссия раислари ва масъул котиблари таркиби

Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи ва лавозими	Йўналиши
1	Низанов Азамат Муратдинович	Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директор ўринбосари,	комиссия раиси
2	Темирбаев Алишер Усенович	Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи	комиссия аъзоси
3	Бегжанов Дилшод Махсетович	Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Спорт нормативларини ўтказиш ва селекция қилиш шўъбаси бош мутахассиси	комиссия аъзоси
4	Айтбаев Толибек Турдибаевич	Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази инструктор-методисти	комиссия котиби
5	Бердибаев Бахрам Асқарбаевич	Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази инструктор-методисти	комиссия аъзоси
6	Тулегенов Азамат Оринбасарович	Катта инструктор-методист	комиссия аъзоси
7	Турсинов Бекзад Жубаевич	инструктор-методист	комиссия аъзоси

8	Ембергенова Айимхан Тулпбергеновна	Шифокор	комиссия аъзоси
9	Режепова Фарида Турдибаевна	Спорт психологи	комиссия аъзоси
10	Рузибаев Исламбек Алишеревич	Ўзбекистон Республикаси Миллий паралимпия кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ижрочи директори	комиссия аъзоси
11	Спорт турлари бўйича тегишли федерация (ассоциациялар)		комиссия аъзоси

Изоҳ:

- 1. 2023/2024 ўқув йилида Параспорт турлари бўйича ҳужжат топширган ўқувчилар учун касбий (ижодий) имтихонларни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Миллий паралимпия кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими мутахассислари иштирок этишади.**
- 2. Агар қабул комиссияси раиси, масъул котиби ва комиссия аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда шу лавозимга тайинланган шахслар қабул комиссияси аъзоси ҳисобланади.**

Қорақалпоғистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг
2023 йил “___” _____ кунги
_____-сон буйруғига 2-илова

**Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказига кириш
учун ҳужжатлар қабул қилиш ва ижодий имтихонларни назорат қилиш ва
мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

Т/р	Ф.И.Ш		Лавозими
1. ТЕМИРБАЕВ Алишер Усенович	-		Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи
2. ҚАЛБАЕВ Азамат Сабурович	-		Спорт таълим муассасалари билан ишлаш шўъбаси бошлиғи
3. БЕГЖАНОВ Дилшод Махсетович	-		Спорт нормативларини ўтказиш ва селекция қилиш шўъбаси бош мутахассиси
4. РУЗИБАЕВ Исламбек Алишерович	-		Ўзбекистон Республикаси Миллий паралимпия кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ижрочи директори

***Изоҳ:** Ишчи гуруҳ аъзоси бошқа ишга ўтганда, унинг ўрнига тайинланган ходим ишчи гуруҳ аъзоси ҳисобланади. Ишчи гуруҳ аъзоси маълум сабабларга кўра йиғилишларда иштирок эта олмаса, унинг вазифасини бажарувчи шахс йиғилишларда иштирок этади.*

Қорақалпоғистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг
2023 йил “___” _____ кунги
_____-сон буйруғига 3-илова

Нукус олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази
2023/2024 ўқув йили учун қабул режаси

Т/р	Таълим йўналишлари (спорт турлари бўйича)	Олимпия мактабларига		Олимпия ва Паралимпия коллежларига
		5-синф	10-синф	1-босқич
1.	Бокс	2		
2.	Дзюдо	2		
3.	Енгил атлетика	2		
4.	Оғир атлетика	2		
5.	Сузиш	3		
6.	Қиличбозлик	5		
7.	Таэквандо (WT)	2		
8.	Миллий кураш	2		
9.	Юнон-рум кураши	2		
10.	Эркин кураш	2		
11.	Стол тенниси	2		
12.	Баскетбол	4		
13.	Камондан отиш	3		
14.	Триатлон	2		
Жами:		35		
Паралимпия спорт турлари бўйича				
1.	Пара қиличбозлик		4	2
2.	Пара велоспорт		2	
3.	Пара волейбол		2	6
4.	Пара стол теннис		3	
5.	Пара таэквандо (WT)		2	2
Жами:			13	10
Умумий:		35	13	10